«Зомин асали» дунё бозорига шайланмоқда ✡ 2-бет

Мутахассислар фикрича, асалари ёрдамида ғўза гули чангланса, ҳосилдорлик 30 фоизгача кўтарилади. Ана шулардан келиб чиқиб, вилоятимиздаги ҳар бир фермер хўжалигида 20-30 та асалари оиласини парваришлаб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилса айни муддао бўларди. Бунинг учун аслида унчалик кўп маблағ ҳам талаб этилмайди. Фақат истак, интилиш бўлса бас.

Уммонга қарши легионерларсиз ✡ 6-бет

«Бунёдкор» ва миллий терма жамоанинг етакчиларидан бири, ярим ҳимоячи Тимур Кападзе ҳам «Тошкент дербиси»да рақиби билан тўқнашиб кетиб, икки ҳафтага сафдан чиққан. Тошкентликларнинг яна бир маҳоратли ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров рўйхатдан жой олмади.

Ибн Сино ўгитлари ✡ 6-бет

Унинг шохларини барги билан қўшиб қайнатилган сув сочни бўяйди. Барглари қўйиб боғланса, учуқнинг тарқалиб кетишини тўхтатади. Унинг барглари чайналса, милкни маҳкамлайди ва оғиз чақаланишини тузатади; пишган мевалари ҳам шундай. Мева ва баргларининг шираси иссиқдан бўлган оғиз оғриғини, барглари бошдаги яраларни тузатади.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

2008-yil 16-avgust
№ 97-98 (2511)
shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Истиқлол берган имкон



Экспорт ҳажми ортмоқда



«Мурувват Текс» хорижий шўъба корхонасининг Гурлан фабрикасида йилига 4,5 минг тонна пахта толаси қайта ишланади.

Корхона иш бошлаганига 15 йил бўлди. Ўтган вақт ичида бу ерда 19 миллион долларлик замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида корхонада 1654 тонна ип-калава ишлаб чиқарилиб, режа 130 фоизга уддаланди. Экспорт ҳажми 1 миллион 230 минг долларни ташкил этди.

Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, улар уч маҳал бепул овқат, ишга келиб-кетиш учун транспорт воситалари билан таъминланган. Шунингдек, 3 сменада тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Суратларда: *лаборант Хуршида Худойберганова; «Мурувват Текс» хорижий шўъба корхонаси маъмурий биноси ва ип-йигирув цехида; лаборантлар Гулора Давлатова ва Норгул Рўзимова..*

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Ёшлар йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Намунали талабалар турар жойи» кўрик-танловини ташкил қилди.

Кўрик-танлов

НАМУНАЛИ ТУРАР ЖОЙ

Талабаларга яратилган шарт-шароитни ўрганиш жараёнида дам олиш хоналарининг мавжудлиги ва жиҳозланиши, бино ташқарисидаги ҳудудларнинг тозалиги, ёшларнинг умумхалқ ҳашарларидаги иштироки ҳисобга олинди. Талабаларга яратилган санитар-маиший шароитлар ҳам ҳайъат аъзоларини бефарқ қолдирмади. Якунда «Энг яхши шароитга эга талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, «Энг тоза талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон давлат тиллар педагогика институти, «Энг шинам талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон қишлоқ хўжалик институти, «Энг яхши талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон давлат университети ҳамда тиббиёт институти талабалар турар жойлари ғолиб деб топилди. Улар ташкилотчилар таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қудратулла ЛАТИПОВ, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси

Бандлик

Янги иш ўринлари - фаровонлик омили

Гулистон тумани бандликка кўмаклашиш маркази жойлашган бинога кириб борарканмиз, ичкаридан шод-хуррам чиқиб келаётган икки қизни учратдик ва улар билан суҳбатлашдик.

— Исм-фамилиямиз Гулноза Мадраҳимова, Феруза Устемирова, — дея ўзларини таништирди улар. — Гулистондаги тиббиёт коллежини тамомлаганмиз. Мутахассислигимиз бўйича иш билан таъминлашларини сўраб туман бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат этдик. Марказ жамоасининг ёрдами туфайли туман марказий шифохонасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашдик. Бугун уларга миннатдорчилик билдириб кетаяпмиз.

Туманда қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаяпти. Марказ бош мутахассиси Қаҳрамон Шодмоновнинг айтишича, Ёшлар йилининг биринчи ярмида туман ҳудудида истиқомат қилувчи 290 нафар йигит-қиз корхона-ташкилотларга ишга жойлаштирилган. 33 киши ижтимоий ҳимояга олинди. 42 киши эса касбга қайта тайёрлаш курсларига юборилди. Тумандаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинаяпти. Жумладан, 8 та корхонада қўшимча 138 та иш ўрни яратилди. Ишсизликка барҳам беришда меҳнат ярмаркалари жуда қўл келмоқда. Ўтган давр давомида икки марта шундай тадбир ўтказилиб, 80 нафар ёш ишли бўлди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Бухоро вилояти



Янгиланиш, яшариш ва тараққиёт нафаси

Юртбошимиз ҳар гал Бухорога ташриф буюрар экан, албатта ушбу гўшада камол топган, дунёга танилган кишиларга ҳурмат бажо келтиради. Улуғ пирлар қабрини зиёрат қилади. Бугунги авлодни улардан ўрнак олишга даъват этади. Бу бежиз эмас.

Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Саййид Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний каби улуғ зотлардан қолган мерос бугун ҳам дунё олимлари эътиборини тортаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шукрки, мустақиллик шарофати билан унутилган қадриятлар тикланди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида Бухоро вилояти макроиқтисодий ривожланишидаги тенденциялар сезиларли даражада яхшиланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ўтган йили 107 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 102 фоиз, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 108,9, чакана савдо айланмаси 125,7, пулли хизмат кўрсатиш 113,4, экспорт режаси 104 фоиз бажарилди.

Тобора чирой очаётган Нефтчилар шаҳарчасида яна бир гўзал кошона бунёд этилди. «Узмеъморқурилишлойиҳа» очиқ акционерлик жамияти мутахассислари лойиҳалаштирган спорт-соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бош пудратчи — «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 5-қурилиш-монтаж фирмаси жамоаси бунёдкорлари иш сифати ва суръатига алоҳида эътибор қаратдилар. Қурилишга Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳисобидан салкам 3,2 млрд. сўм сарфланди.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилда завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун барча имкониятни яратаяпти. Ҳар йили миллиардлаб маблағ сарфланиб-богча, мактаб, сунъий кўл, маданият саройи, ҳаммом, поликлиника, бозор, уй ва бошқа иншоотлар бунёд этилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш дастурига биноан Пешку туманида бунёд этилган «Қалайминшкор» спорт мажмуаси бугун қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган. Айни пайтда бу ерда 350 нафар ўғил-қиз 25 гуруҳга бўлинган ҳолда футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат, шашка билан мунтазам шуғулланиб келаяпти.

— Бу ерда барча шарт-шароит мавжуд, — дейди мажмуа директори, спорт устаси Ахтам Шароповв. — 12 нафар малакали мураббийларимизнинг ҳаракатлари зое кетмаяпти. Шогирдларимиз туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Мақсадимиз — уларнинг янада юқори чўққиларга эришишига елкадош бўлиб, баркамол авлоднинг истиқболини кўриш.

(Давоми 5-бетда).

Қарор ва ижро

Биз ҳам бир ёндан

Инсон организми учун зарур оқсил ва витаминларнинг асосий қисми чорва ва паррандa маҳсулотларида мужассам. Хўш, бу эҳтиёжни қондириш учун нима қилмоқ керак? Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 январдаги чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш ва истеъмол бозорига узлуксиз етказиб беришни ташкил этиш бўйича тузилган баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарёда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда воҳа хўжаликларида 557 минг 503 бош қорамол, 1 млн 533 минг 700 та қўй-эчки, 1 млн. 373 минг паррандa, 142 минг бош йилқи парваришланаётир.

Бугина эмас. Ҳисобкитобларга қараганда, вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланадиган 7418 та фермер хўжалигининг ҳар бирига 2 тадан қорамол ва 50 тадан паррандa боқиш топширилган. Ҳозирча 2860 бош қорамол, 45 минг 196 та паррандa парваришланмоқда.

Бундан ташқари, сабзавотчилик билан машғул фермер хўжаликлари ҳам четда қолмаётир. Улар кўмагида 22 минг 368 бош қорамол ҳамда 559 минг 200 та товуқ боқиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 3853 та қорамол, 52 минг 17 та товуқ парваришланаётир.

Паррандачилик кўп харажат талаб қилмайдиган, шу билан бирга тез ривожлантириш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам бир неча туманда 15 та паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларда ҳозирги кунда 25,5 минг паррандa боқилаяпти. Шунингдек, аҳолини жўжа билан таъминлаш йўлга қўйилиб, ҳар бир хонадонни шу хайрли ишга жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Термиз туманидаги паррандачилик фабрикасидан март ойи бошида Жарқўрғон туманига 3 мингта, Бойсунга 4 мингта, Музработга 400 та, Шўрчи ва Денов туманларига 4 мингта, Узун туманига 3 мингта жўжа етказиб берилди.

Албатта, фермер хўжалигини ташкил этиш, паррандалар парвариши учун шароит яратиш, сифатли озуқа билан таъминлашнинг ҳаммаси маблағ талаб этади. Паррандачиликни оёққа турғазамиз деган тадбиркорлар банкларга кредит сўраб тегишли ҳужжатларни тақдим этишди. Ҳукумат топшириғи асосида тузилган ишчи гуруҳимиз аъзолари «Асака» банки, Марказий банк мутахассислари билан жойларда бўлиб, шарт-шароит ўрганиб чиқилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, банкка ҳужжат тақдим этган 45 та лойиҳа эгасидан 32 тасига кредит ажратиладиган бўлди. Жумладан, 20 минг товуқ боқишга мўлжалланган фермер хўжалиги ташкил этаётган деновлик Турум Мўминовга 50 млн. сўм, «Олтинсой паррандa», «Гиламбоп паррандa» фермер хўжаликлари барпо этишга киришган ишбилармонларга ҳам шунчадан кредит ажратилди. Бу тадбиркорларнинг бири янги товуқхона барпо этса, иккитаси эски фермалар базасида паррандачиликни тиклаш ҳаракатини бошлаган.

Аҳолининг балиққа бўлган талабини тўлароқ қондириш ниятида ҳар бир туманда камида 2 тадан ихтисослашган фермер хўжалиги тузиш лозим. Шунга асосан ишчи гуруҳи томонидан кўлларнинг ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Айрим кўллар тендер асосида сотилди. Айни пайтда воҳа туманларида 20 дан зиёд балиқчилик фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Кўлларга февралда 1 тонна, март ва апрелда 1,2 тонна чавоқ ташланди. Тайёр балиқни аҳолига етказиб бериш мақсадида Қумқўрғон тумани ва Термиз шаҳарларидаги бозорларда махсус савдо шохобчалари ташкил этилаётир.

Сурхон воҳасида ҳозир 20 та асаларичилик фермер хўжалиги мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир туманда 5 тадан шундай хўжалик ташкил этиш чораси кўрилаяпти. Шўрчи туманидаги «Йўлдош ҳожи» фермер хўжалигида 600 оила, Жарқўрғон туманидаги «Зулайҳо опа» фермер хўжалигида 250 оила асалари парваришланмоқда.

Вилоятда 255 та зооветеринария пункти фаолият юритаяпти. Улар аҳоли ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун 442,5 млн. сўмлик шартнома тузган.

Чорвадорларни сифатли омихта ем, шрот, кунжара, хашак, силос, беда билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Вилоят бўйича 76 та омихта ем сотиш шохобчаси ишлаб турибди, янгиларри барпо этилмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб аҳоли ва фермер хўжаликлари паррандаси ва чорвасини сифатли озуқа билан таъминлаш мақсадида республика бўйича 40 минг гектар ер ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Сурхондарёда бунинг учун 800 гектар ер ажратилади. Бу саъй-ҳаракатлар албатта самара беришига ишонамиз.

Абдукарим АҲМЕДОВ, Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, ишчи гуруҳи раҳбари

Омилкорлик – мўл-кўлчилик ва фаровонлик калити

касаба уюшмалари тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлайди

Жиззах вилоятида асаларичилик сўнгги йилларда ривожланиб, ойдин йўлга кириб бормоқда. Соҳада шуғулланувчилар сони 320 нафарга етди. Маълумотларга кўра Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Янгиобод туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган асаларичилар туман уюшмаларига бирлашиб, тобора самарадорликка эришишяпти.

«ЗОМИН АСАЛИ» ДУНЁ БОЗОРИГА ШАЙЛАНМОҚДА

Вилоят бўйича йилига 40 тоннага яқин асал истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Жиззах шаҳридаги «Зомин асали» кўп тармоқли хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради.

— Фирмамиз ташкил этилганига беш йилдан ошди, — дейди унинг раҳбари Фахриддин Аҳмедов. — Дастлаб 60 та асалари оиласи бўлган бўлса, бугунга келиб улар сони 250 тага етди. Маҳсулдорлик ҳар бир уядан ўртача 32-35 килограммни ташкил этмоқда. Аъзоларимизнинг сидқидилдан меҳнат қилишаётганидан хурсандман. Катта ўғлим Фарҳоднинг асаларичиликка меҳри тушганлигидан, айниқса, бошим осмонга етди. Ферма ташкил этилиб, саккиз киши доимий иш билан таъминланганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Ўтган йили 8 тонна асал ишлаб чиқардик. «Зомин асали» тамғаси билан бежирим шиша ёки пластмасса идишчаларга қадоқланган маҳсулотларимизни бугун Тошкент, Фарғона, Самарқанд сингари шаҳарлардаги йирик дўконларда ҳам учратиш мумкин.

Шукрки, ҳозиргача бирорта эътироз билдирилгани йўқ. Маҳсулотларимиз ҳеч бир дўконда туриб қолмаётир. Тошкентдаги «Ардус», «Метромаркет», «Чорсу» сингари йирик савдо корхоналарига шартнома асосида узлуксиз маҳсулот етказиб берилмоқда. Даромадимиз 2007 йили 10 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилдаги даромад ҳам ўтган йилдагидан кам бўлмаслиги кутилаяпти.

Минг дардга даво

2006 йилнинг 7-14 сентябр кунлари Покистоннинг Карачи шаҳрида халқаро «Асал ва хурмо» кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздан беш асалчи — жумладан, мен ҳам қатнашдим. 30 дан ортиқ давлатлардан келган вакиллар Ўзбекистон, жумладан, Зомин асалига юқори баҳо беришди. Совриндор ҳам бўлдик.

Асаларичиликни истиқболли соҳа дейишга барча асослар бор, имкониятлар бисёр. Негаки, йилнинг асосий даврида Фориш тоғлари-ю, Бахмал далалари, Зомин ўрмонзорлари-ю Ғаллаорол қирларида асалари парваришлашга зарур шарт-шароитлар мавжуд. Чўл туманларида бўлса, минглаб гектарларга ястаниб ётган пахтазорларда гуллаган ғўзалардан асалари бол йиғиши мумкин. Мутахассислар фикрича, асалари ёрдамида ғўза гули чангланса, ҳосилдорлик 30 фоизгача кўтарилади. Ана шулардан келиб чиқиб, вилоятимиздаги ҳар бир фермер хўжалигида 20-30 та асалари оиласини парваришлаб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилса айни муддао бўларди. Бунинг учун аслида унчалик кўп маблағ ҳам талаб этилмайди. Фақат истак, интилиш бўлса бас. Ана шунда деҳқон дастурхони бутун йил давомида бошқа ноз-неъматлар қатори шифобахш асалга ҳам тўла бўлади.

Вилоят асаларичилик уюшмасини тезроқ ташкил этиб, унинг фаолиятини жонлантириб юбориш муҳим. Барча ишни малакали кадрлар ҳал қилишини эътиборга олиб, касб-ҳунар коллежларида асаларичилик соҳаси бўйича бўлимлар ташкил қилиш зарур.

Асаларичиларга зарур ер майдонлари ажратиш ҳам муаммо бўлиб турибди. Банкларда асаларичиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилиши ёшларнинг бу соҳага янада кенгроқ жалб этилишини таъминлайди.

Асалари уялари карвонини бир жойдан иккинчисига кўчиришда транспорт муаммосига дуч келинаётганини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Ҳаммаси ўз қўлимизда. Фақат саъй-ҳаракатларни бирлаштирсак, марра бизники.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ислоҳот инсон учун

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Қарши туманининг Нуқрабод қишлоғида истиқомат қилаётган тадбиркор Маҳбуба Турсунова илгари «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалигининг товуқчилик фермасида ишлаб, паррандачиликнинг барча сир-асрорларини пухта эгаллаган эмасми, тўрт йил муқаддам хўжалик тугатилгач мустақил иш юритишга бел боғлади.

Туман меҳнат бўлими кўмагида 2005 йилнинг бошларида «Турсунова Маҳбуба Хушвақтовна» деҳқон хўжалигини ташкил этди. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан 2 миллион сўм кредит олиб, аҳолини паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилиб қўйди.

Ким ошди савдосида хўжаликнинг товуқ фермасини сотиб олиб, катта ният билан ишга киришди. Олдинига Шаҳрисабздан, кейинчалик Самарқанд шаҳридан гўштга боқиладиган жўжалардан келтириб, 20 оилага тарқатиб чиқди. Маълумки, зооветеринария талаблари асосида боқилган жўжалар 45 кунда гўшт учун тайёр бўлади. Мутахассислиги бўйича ветеринар бўлган Маҳбуба опа паррандаларни ўз вақтида эмлайди, зарур профилактика ишларини амалга оширади.

— Етилган ҳар бир бройлер жўжаси 1,5-2 килограммгача гўшт қилади, — дейди Маҳбуба Турсунова. — Маҳсулотларимизни туман ва Қарши шаҳрида жойлашган «Эрмат ота», «Зайнаб биби», «Файз» ошхоналари сотиб олишади. Ҳар 45 кунда 1,5-2 мингтагача жўжа парваришланади. Ишчиларнинг ойлик маоши 100 минг сўмдан ортиқ. Деҳқон хўжалигининг фойдаси эса йилига 4-5 миллион сўмни ташкил этади.

Самарқанд шаҳридаги паррандачилик курсида малака ошириб қайтган М.Турсунова Германиянинг «Ломин Браун» зотли қизил товуқларини сотиб олиб, парваришлашни йўлга қўйди. Етиштирилаётган парранда гўшти ва тухум миқдори икки баравар кўпайди.

Касби туманидаги «Икромобод кўрки» фермер хўжалиги чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган.

— Паррандачилик тармоғига ўтган йили асос солган эдик, — дейди фермер хўжалиги раиси Шуҳрат Хўжақулов. — Самарқанд вилоятидан 5 мингта товуқ келтириб, тухум ишлаб чиқаришни бошладик.

Хўжаликда янги 5 та иш ўрни яратилиб, паррандачилик ривожига киришилганлиги яхши натижа бераяпти. Товуқлардан ҳар куни ўртача 2800-3000 та тухум олинаяпти ва буюртма асосида мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилаяпти. Фермер хўжалигининг 123 гектар ерида паррандалар учун озуқа етиштирилаяпти.

Воҳада тармоқнинг юксалишига қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқилган. Вилоят ҳокимининг 2008 йил 22 февралдаги фармойишида жорий йилда шаҳар ва туманларнинг ҳар бирида 2 тадан, жами 28 та паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил этиш белгиланган. Бундан ташқари, республика ҳукумати топшириғига асосан пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларида 50 тадан, сабзавот ва боғдорчилик билан машғул бўлган фермер хўжаликларида эса 100 тадан парранда боқилиши белгилаб қўйилди.

Статистик маълумотларга қараганда, вилоятнинг барча тоифадаги хўжаликларида 1,5 млн.дан зиёд парранда боқилаяпти. Унинг 1,3 млн.дан ортиғи аҳоли ҳиссасига тўғри келади. Истеъмол бозорида парҳез гўшти ва тухум таннархининг бироз қиммат эканлиги соҳани изчил ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўяди.

Қарши шаҳридаги «Чилонзор парранда» хусусий корхонаси ва Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой парранда» очиқ ҳиссадорлик жамиятида йирик ҳажмдаги сиғимга эга бўлган инкубаторлар бор. Бироқ бу инкубаторларга қўйиладиган тухумлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан келтирилади. Шароитдан келиб чиқиб, вилоятнинг ўзида тухум етиштиришга ихтисослашган паррандачилик фабрикалари ишга туширилса, қанчалаб маблағ ва вақт бекор кетмас эди.

Воҳадаги «Дунё-М» акциядорлик жамиятида паррандалар учун махсус озуқа тайёрлайдиган технология мавжуд. Бундай ускуналар бошқа дон тайёрлаш корхоналарида ҳам ўрнатилса, фермер хўжаликларида паррандалар учун донли экинлар экиш йўлга қўйилса, нур устига нур бўлур эди.

Вилоят ветеринария бошқармаси мутахассислари зооветеринария пунктларида парранда касалликларига қарши даволаш-профилактика тадбирларини кучайтиришлари, бу соҳа билан шуғулланаётган зооветеринарларни ажратишлари, қишлоқ ва маҳаллаларда уларнинг амалий фаолият кўрсатишини таъминлашлари керак.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири. Халқимизда «Жўжани кузда санайдилар» деб бежиз айтилмаган. Вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда паррандачиликка ихтисослашган субъектларда ишлаётганларни, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турганлари ишнинг янада ривож топишини таъминламоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Қимирлаган қир ошар

ЧОРВА УЧУН ОЗУҚА ШОХОБЧАЛАРИ

Айни кунларда Фарғона вилоятида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.



Вилоятда омихта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган пунктлар ташкил этилиб, улар негизида туман-вилоят бирлашмалари барпо этилаётир. Бу жабҳада, айниқса, Олтиариқ туманида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда омихта ем, шрот ва шелуха етказиб беришга ихтисослаштирилган туман бирлашмаси иш бошлади. Қапчуғай, Полосон, Повулъон, Оқбўйра. Файзиобод, Олтиариқ қишлоқлари ҳамда Ҳамза шаҳарчасида чорва учун озуқа маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилди. Эндиликда янги бирлашма зиммасидаги асосий вазифа Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси очиқ савдолари орқали ем-хашак, жумладан, юқоридаги маҳсулотларни харид қилиб, фермерлар ва аҳолига узлуксиз етказиб беришдан иборатдир.

Суратларда: Олтиариқ тумани омихта ем, шрот ва шелуха етказиб беришга ихтисослаштирилган жамиятга қарашли Полосон қишлоғида жойлашган 3-шохобча мудири Баҳром Шерматов; жамият раҳбари ўринбосари Фурқат Турдибоев (чапдан), жамият раҳбари Абдуқаҳҳор Рўзалиев ва шохобча мудири Ҳожимурод Эрматов иш устида; жамиятга қарашли бўлган Повулъон қишлоғида жойлашган 9-шохобчанинг кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Бир Фармон шарофати

Касаначилар ҳиммати

Улуғобод Гулистон шаҳрининг йирик маҳаллаларидан бири. Бу ерда кейинги йилларда янги иш ўринлари яратиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Қатор саноат корхоналари буюртмалар асосида хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар ва иш топишга қийналаётган кишиларни касаначилик соҳасига жалб этмоқда.

Маҳалладаги «Гулистон парранда» масъулияти чекланган жамиятининг бу борадаги ўрни беқиёс. Ушбу корхона бундан бир неча йил олдин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай, таназзулга юз тутган эди. Жамоага тадбиркор Қўзибой Ўроқов раҳбар этиб сайлангач, ишлар юришиб кетди. Корхонага замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати кескин ошди. Масъулияти чекланган жамиятда бугунги кунда 17 минг парранда парваришланмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини 35 мингга етказиш мўлжалланган. Жамоа эл дастурхонига 10 тонна парҳез гўшт, 3 миллион 300 минг дона тухум етказиб беришни режалаштирган. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмол бозорида ўз ўрнини топган.

Энг муҳими, жамоада ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб бораяпти. Касаначилик асосида иш ўринлари тобора кўпаймоқда. Маҳалла ҳудудидаги 60 оила корхона билан шартнома тузиб, ўз ҳовлиларида парранда боқа бошлади.

— Касаначилик соҳасидаги ишларимиз янада ривожланади, — дейди биз билан суҳбатда «Гулистон парранда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қўзибой Ўроқов. — Эзгу мақсадимиз — маҳаллада ҳеч ким бекор қолмасин. Ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бўлсин.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Бугуннинг гапи

МАРРА ЮГУРГАННИКИ

Ойбек ака қушдек енгил бўлиб уйғонди. Юз-қўлини ювди-ю кийинишга тутинди.

— Ҳой, хўжайин, тонг саҳарлаб йўл бўлсин?

— Ҳокимиятда йиғилиш бор, сўнг далага ўтаман.

— Мажлис шундай эрта бошланмас ахир?

— Мавсум пайтида эрта-кечи бўладими? Ҳокимиятда тун-кун ҳаёт қайнаб ётибди.

— Кейинги кунларда даладан бери келмай қолдингиз-а, дадаси, — деди хотини ачинганнамо.

Ойбек ака уйидан шошилиб чиқиб кетди.

Ҳокимиятга етиб келганида ҳали йиғилиш бошланмаган, аммо барча жамулжам эди.

— Ана, касабакўм раиси ҳам келиб қолди, — деди кимдир.

Йиғилишда Украинадан келтирилган 13 бош наслдор қорамолни тегишли хўжаликларга ажратиш масаласи кўриб чиқилди. Сўнг эса барча, жумладан, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл туман кенгашининг раиси Ойбек Муродов ҳам ўзига бириктирилган хўжаликларга жўнаб кетди.

Тўрткўл туманида ҳам кўплаб деҳқон хўжаликларидан ташқари 80 та чорвачиликка, 3 та паррандачиликка, 3 та балиқчиликка ва 1 та асаларичиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги мавжуд. Аммо 62 минг 369 бош қорамол, 880 минг 83 бош ушоқ молни боқишнинг ўзи бўлмайди. Сигирлар ўз-ўзидан серсут, сўқимлар семиз, гўштдор бўлиб қолмайди. Бунинг учун уларни тобида парваришлаш ва қувватли омихта ем бериб боқиш зарур. Хусусан, чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш муваффақият гаровидир. Туман чорвадорлари бу йўлда изчил фаолият юритишмоқда. Масалан, ҳар бир шартли бош қорамолга 0,45 гектар ер ажратилиб, озуқабоп экинлар экиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, туман ҳокимининг «Қизилқум» ширкат хўжалиги ва наслчилик ижара жамоа хўжаликларида чорва қишловини беталофат ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳамда «Тўрткўлдон» МЧЖ «Қизилқум» ширкат хўжалигига 60 тонна ва қолган наслчилик ижара жамоа хўжаликларига 5 тонна омихта ем ажратди. Бундан ташқари, 335 тонна омихта ем аҳолига ва фермер хўжаликларига дўконлар орқали сотилди.

— Чорва моллари наслдорлигини яхшилаш учун Президентимиз қарорларидан келиб чиқиб қатъий ҳаракат қилаяпмиз, — дейди туман КСХБ чорва мутахассиси Матчон Қулумбетов. — Жумладан, зооветеринария хизмати кўрсатиш ҳам мунали йўлга қўйилди. Чорвачиликка ажратилган ҳар гектар экин майдонидан 8000 озуқа бирлигига тенг озуқа етиштириш режалаштирилди. 2010 йилга қадар туманимиз ҳудудида 10 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчасини йўлга қўйиш назарда тутилган. Бугун кунда «Ўзбекистон» овул фуқаролар йиғинида ҳудудида «Тўрткўлли Тўхтабой доктор», «Тозабоғён» овул фуқаролар йиғинида «Фахриддин доктор», Шўрахонда «Шўрахонли Сержан-Сапар боболар», Охунбобоев номидаги фуқаролар йиғинида «Расул Жумаш», Тўрткўл шаҳрининг ўзида «Амин доктор» зооветеринария хизмат кўрсатиш шохобчалари кишиларнинг оғирини енгил қилаётир.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг хатига асосан мазкур хўжаликларга ёрдам берилди. Жумладан, «Тахиатошдон» корхонаси 30 тонна шрот, 30 тонна омихта ем, Беруний «Ёғгар» АЖ 30 тонна пахта шелухаси,

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастурида барча вазифалар ижро амалиёти учун аниқ белгилаб берилган.

Айни пайтда туманда биринчи навбатда қорамол боқиш ва гўшт етиштириш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан янада тўлақонли фойдаланишга эришилмоқда. Натижада чорва туёғини кўпайтириш билан шуғулланувчи ҳар бир фермер хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар соф фойда олишга муваффақ бўлаётир.

Бежиз «қиш ғамини ёзда е» дейишмайди. Ўтган қиш синовлари ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Шунинг учун қишловни беталофат ўтказиш чоралари ҳозирданоқ кўрила бошланди. Чорва туёқлари учун иссиқ оғил, тўйимли озуқа ғарамлари барпо этилмоқда. Бу борада ғаллазорларда қолган сомонларнинг барчаси саранжомланиб, экилган макка ҳамда ўт ўримига эътибор кучайтирилмоқда. Бундан ташқари Ўртачўл ҳудудида жойлашган чорвадорлар шувоқ, каррак каби хашак турларини жамғаришга киришган. Йўл ёқалари, ариқ бўйларидаги озуқабоп ўсимликлар нобудгарчиликларсиз ўриб олинмоқда.

Ҳар дақиқа ғанимат

Шу ўринда яна бир гап. Чорва ривожи туёқлар мўл-кўллигини таъминлаш биланғина ҳал бўлиб қолмайди. Шундай экан, битмас-туганмас даромад манбаи бўлган чорвачилик ривожи соҳа фидойиларининг масъуллигига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Даврон ВОҲИДОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Қизилтепа туман кенгаши раиси

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти вакиллиги

Мамлакатимиз аҳолисини энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан қизғин табриклаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, ишингизга унум ва барака, оилангизга фаровғат ва аҳиллик, шодлик ва қувонч тилаймиз. Барча яхши ниятларингиз рўёбга чиқаверсин. Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Халқимиз ва тармоқ ходимларини Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ 17 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади. Хамманизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга фаровонлик тилаймиз. Барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин. Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Жаннатмонанд юртимизнинг меҳнатсевар ва фидойи халқини ҳамда тармоқ ходимларини Ватанимизнинг Мустақиллик куни, истиқлолнинг 17 йиллиги билан муборакбод этади. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳр-оқибат ва хуш кайфият ёр бўлсин!



ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ НАФАСИ

(Боши 1-бетда).

Молия-банк тизимидаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларининг устав фонди оширилиб, уларнинг инвестиция жараёнидаги роли кучайтирилди. Вилоят тижорат банклари томонидан бултур 171,7 млрд. сўмлик кредит ажратилди, шундан 31,6 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган.

Вилоятда йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида енгил саноатда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ 13 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 2 млн. 807 минг АҚШ доллари ва 549 млн. 200 минг сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, 264 та янги иш ўрни яратилди. Натижада «Плано-плюс» хусусий корхонасида нон, «Бухоро-Алянс» хусусий корхонасида томат пастаси, «Маҳбуб-А» хусусий фирмасида гўштни қайта ишлаш, «Абдулазиз юлдузи» хусусий фирмасида темир-бетон конструкцияларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бир неча марта ошиб, янги саноат корхоналарини ишга тушириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Масалан, Россиянинг «Лукойл» компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Кнауф гипс Бухоро» қўшма корхонасида гипскартон маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг 1-тўқув фабрикасида Кореянинг «ДЭУ Интернейшнл» компанияси билан «ДЭУ текстил Бухоро» корхонаси ташкил қилиниб, 2-йигирув-тўқув фабрикаси Туркиянинг «Сайилган Холдинг» компаниясига сотилди.

Келгуси йилларда Олот туманидаги «Мергантекс» МЧЖ негизида ип-калава ишлаб чиқариш, Вобкентдаги «Вобкенттекс йигирувчи» шўъба корхонасида ип-калава ва трикотаж мато ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган. Шу тариқа 8 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Айтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 170,3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Унинг 31,1 фоизини тайёр маҳсулот ташкил этади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 марта кўпайди. Жумладан, «Лукойл» компанияси томонидан 19 млрд. 985 млн. сўмлик тўғридан-тўғри инвестиция киритилган бўлса, вилоятда олиб борилган геологик қидирув ишлари учун давлат кафолати остида 40 млрд. 382 млн. 500 минг сўмлик чет эл кредитлари киритилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг январ-март ойларида 350 млн. 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар миқдори 167,8 минг АҚШ долларини ташкил этди.

* * *

Вилоятда аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш муаммолари изчил ҳал этилмоқда. Ўтган йили кичик корхона, микрофирма, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш туфайли 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бунда бандликка кўмаклашувчи 12 та марказнинг қайта ташкил этилганлиги ҳам қўл келди. Бир қатор қишлоқларда саксондан ортиқ пункт ташкил этилиб, улар орқали минглаб фуқаро ишга жойлаштирилмоқда.

— «Бандлик-2008» дастури ижросини таъминлаш борасидаги ҳаракатларни изчил давом эттираяпмиз, — дейди вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуджон Зиядуллаев. — Ўтган 5 ойда 24.272 та иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 107,1 фоизга бажарилди. Жумладан, 5582 нафар касаначи ишга жалб этилди.

Бандлик дастурини бажаришда шаҳар ва туманларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмарка-лари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шундай тадбирларда 1987 киши доимий ишга жойлаштирилди.

Янги ўқув йилигача 6700 ўқувчига мўлжалланган 12 та коллеж ва 1 та мактаб қуриш, 23 та мактабни қайта қуриш, 72 та мактабни таъмирлаш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ёш оилалар учун Бухоро шаҳрида 4 қаватли, 32 хонадондан иборат 2 та ва Когон шаҳрида 1 та уй фойдаланишга топширилади.

Бултур Бухоро шаҳридаги марказий бозор 6,5 млрд. сўм кредит эвазига қайта қурилди. Вобкент туманида бозор қурилиши тугаш арафасида. Бухоро, Жондор, Қоракўл, Олот, Пешку, Ромитан ва Шофиркон туманларида ҳам бозорлар қурилиши давом этаяпти.

* * *

Кўҳна Бухорога чет эллик сайёҳлар келиши йил сайин кўпаймоқда. Хорижлик сайёҳлар ташрифи бир йилда 46,5 фоиз ўсди. Бу ерда туризмни ривожлантиришга «Ёшлар» йили давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Бултур ёш оилаларга уйжой сотиб олиш, иморат қуриш, рўзғорни бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 279,3 млн. сўмлик ипотека ва 26 млн. сўмлик истеъмол кредити ажратилди. Кам таъминланган оилаларга бепул сигир берилди. Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом этаяпти.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ кенгашлари ва вакилликлари «Ёшлар» йилида белгиланган тадбирларни изчиллик билан бажармоқдалар.

«Ёшлар» йили давлат дастури корхона, ташкилот ва маҳаллаларда кенг тарғиб қилиняпти. Байрамлар муносабати билан касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар, шунингдек, етим, ногирон ёшлар ва «Меҳрибонлик» уйларига моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқиётган шундай ёшларнинг 10 нафарига стипендия берилди. Истеъдодли ёшларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув юртларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими ва «Меҳр нури» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Шу азиз ватан барчамизники» тадбири кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ёшларни маданий мерос, урф-одатлар билан яқиндан таништириш уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олиб, касаба уюшма ташкилотлари ва корхоналар маъмурияти ишлаб чиқариш билан банд бўлган 750 нафар ёшларнинг Самарқанд ва Қашқадарёга саёҳатини ташкил этди.

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакиллиги қошида ташкил этилган «Марс-Венера-Сервис» МЧЖ меҳнаткашлар ва ёшларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Жамият томонидан меҳнаткашлар, жумладан, ёшларга республикамиз ҳудудидаги санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилаяпти.

* * *

Бухорода деҳқончилик маданиятини ошириш борасида ташкил этилган тажриба мактаби бор. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида юзага келган ушбу мактаб вилоятдан ташқарида ҳам машҳур. Шу боис бухороликлар пахта, ғалла, пилла етиштиришда кўпгина ютуқларга эришмоқда. Айниқса, пилладан юқори ҳосил олинаяпти. Ижобий ўзгаришлар нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки маҳсулот сифатини яхшилаш, уни қайта ишлаш ва экспорт ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ. Масалан, 2004 йили вилоятда 2074 тонна пилла хомашёси етиштирилган бўлса, жорий йилда бу миқдор 2840 тоннага етди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 56,8 килодан пилла олинди. Хомашёнинг ҳаммаси вилоят корхоналарида қайта ишланаётгани аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят ғаллакорлари бу йил 61 минг гектар ерда баракали ҳосил етиштирдилар. Шартномани бажарган юзлаб фермерлар ўзларида қолган ҳосил ҳисобидан омборларига 20-50 тоннадан дон киритмоқда.

Бухоро ҳосилдорлик жиҳатидан мамлакатда етакчи ўринни эгаллайди. Бултургги ялпи хирмон 386 минг тоннага етгани, ҳосилдорлик 30,3 центнерга кўтарилгани фикримиз исботидир.

Вилоятнинг тупроқ ва иқлим шароити мураккаб. Бу эса деҳқончиликни ривожлантиришда қийинчилик туғдиради. Лекин «Бухоро-8», «Бухоро-102» ғўза навларининг яратилгани, ерга эгалик қилаётган фермерларнинг малакаси, тажрибаси ва фидойилиги, шароитга мос технологияларнинг қўлланиши кўзланган мақсадга эришишни таъминлаяпти. Вилоят фермерлари ялпи пахта хирмонини 400 минг тоннага, ҳосилдорликни 31,7 центнерга, соҳадан келадиган даромадни 170 млрд. сўмга етказиш учун ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқда.

* * *

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳамиша эътибор қаратилади. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд. Натижалар ҳам чакки эмас. Бухоролик Аббос Атоев боқс, Гулсумбегим Алиева шашка, Фатҳулла Холиқов ва Нурмуҳаммад Юсупов (фахрийлар ўртасида) кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлдилар. Қувончлиси, бугун уларнинг юзлаб, минглаб издошлари маҳоратларини ошириб, янги чўққиларни кўзлаяпти.

Истиқлолдан баҳраманд бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорода ҳар қадамда янгиланиш, яшариш ва тараққиёт нафаси барқ урмоқда. Бу эса ҳаётимиз бугун кечагидан, эртага бугунгидан нурафшон бўлишини кўрсатади.

Ғулом ЮСУПОВ,
Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

«ЧОРТОҚ САНАТОРИЙСИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимлари ва барча фуқароларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклайди ҳамда ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф этади.

Санаторий Наманган шаҳридан 25 километр масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида, Чотқол тоғ-адирларида, денгиз сатҳидан 650 м. баландликда жойлашган бальнелогик ва иқлимий курортдир.

Бу ерда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракатланч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ҳамда тери касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд бўлиб, йод, бром ва кўплаб минералларга бой бўлган маъданли сувлар ичиш ва ванналар бериш учун қўлланилади. Шифобахш балчиқ аппликация ва гальвано-балчиқ усулида берилади. Ўткир миокард инфарктини бошидан кечирган беморларнинг соғлиғини тиклаш учун реабилитация бўлими фаолият кўрсатади.

Замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида физиотерапия, лазер, сув билан даволаш усуллари қўлланилади. Бадан тарбияси, уқалаш, психотерапия, фитобар ва парҳез овқатлар соғлиғингизни янада тезроқ тиклаш учун хизмат қилади.

Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли шинам ҳоналардан иборат.

Маданият саройи, кутубхона, турли спорт майдончалари, сартарошхона, алоқа бўлими хизматингизда. Турли хилдаги саёҳат ва экскурсиялар уюштирилади.

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани.
Телефон: 8(369) 4121028, 4126444.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН



1947 йилнинг 15 августида Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру Деҳлида Ашок ғилдирагининг тасвири туширилган уч хил рангдаги миллий байроқни кўтарган эди.

Ўтган давр мобайнида Ҳиндистон мустақиллик ва тараққиёт йўлидан дадил илгарилаб бораяпти. Бу қадимий мамлакатнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат, фан-техника, маориф ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари кишини лол қолдиради.

Иқтисодиётни чуқурлаштириш сиёсати туфайли ҳар йили экспортдан 40 млрд. доллар даромад олинмоқда. Ҳозир Ҳиндистонда икки ярим мингдан зиёд илмий-техника марказлари фаолият кўрсатади. Уч юз мингдан зиёд мутахассис фақат саноат соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан банд. Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Ҳиндистон юксак технологияни, фазони ўрганиш, океаншунослик, биотехнология, ядро тадқиқотлари ўтказувчи илғор мамлакатлар сафига ўтиб олди. Унинг реактор технологияси ва ядро ёқилғисини ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари дунёда кенг эътироф этилган.

Улуғ бобомиз Бобур у мамлакатда янги сулолага асос солган. Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган. Шу сулолага мансуб Акбар ва Шоҳжаҳон Ҳиндистон тарихида ёрқин из қолдирган. Мазкур сулоланинг сўнгги ҳукмдори, шоҳ ва шоир Баҳодиршоҳ иккинчи 1857 йили мамлакатда инглизлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган қўзғолон раҳбари ва Ҳиндистоннинг олий қўмондони бўлган. Марказий ҳокимиятнинг таназзулга юз тутиши, шаҳзодаларнинг тахтни эгаллаш орзуси билан ўралашиб қолишлари туфайли халқ ҳаракати кутилган натижани бермади. Шундай бўлса-да, Баҳодиршоҳ аждодлар руҳига содиқлигича қолди, барча хўрликларга мардона чидади. У Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг биринчи яловбардорларидан бири сифатида тарихда қолди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин икки халқ, икки давлат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов давлат бошлиғи сифатида 1994 йили Ҳиндистонга ташриф буюрди. Ҳинд халқи, мамлакат раҳбарлари юртбошимизни самимий кутиб олди. Халқларимиз орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатимизда ўнлаб ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари ишлаб турибди. Ҳинд бунёдкорлари томонидан Тошкент, Самарқанд, Бухорода замонавий кошоналар — меҳмонхоналар қурилди.

Ҳинд кинофилмлари, Ҳиндистон ёзувчиларининг китоблари халқимиз ўртасида кенг тарқалган. Улар ўзбек халқининг дил мулкига айланган. Бинобарин, ҳинд халқи билан дўстлигимиз абадийдир.

Мирза Анвар КАРИМОВ,
Муқаддам ТОШКЕНБОЙ қизи

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

29-ёзги Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирмоқда.

Бокс бўйича саралаш мусобақаларининг иккинчи турида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Маҳмудов 69 кг. вазн тоифасида Франция вакили Жаод Чигерни 7-3 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Рафиқ Султонов (48 кг.) эса Франция терма жамоаси аъзоси Оубали Нордин билан тенгма-тенг баҳс олиб борди. Фақат биргина очколик (8:7) фарқ европалик боксчига кейинги босқичга чиқиш имконини берди.

Маълумки, оғир атletика бўйича ҳам иқтидорли спортчиларимиз камолга етмоқда. Пекинда 77 кг. вазн тоифасида тош кўтарган ҳамюртимиз Шерзод Юсупов якунда 16-ўриндан жой олди.

Шунингдек, гимнастикачимиз Антон Фокин ҳам баҳсларнинг финал босқичида иштирок этиб, кучли ўн олтиликка кирди.

Дзюдочиларимиз натижаларига эътибор қаратсак, 90 кг.даги вакилимиз Хуршид Набиев англиялик Гордон Винстон устидан зафар қучса-да, озарбайжонлик Элхон Мамадовни енга олмади.

Бироқ ҳали ҳаммаси олдинда. Спортчиларимизнинг кайфияти ёмон эмас. Баҳсларни энди бошлаётган енгил атletикачилар, бирин-кетин кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритаётган боксчилар, эркин ва юнонрум курашчиларимиз, таэквондочиларнинг баҳсларидан умид катта.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Футбол хабарлари

Футбол бўйича 2010 йилги жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 17 август куни Тошкентда ўқув машғулотларини бошлайди. Дастлабки йиғинга Рауф Инилеев 18 та футболчини таклиф этди.

Таъкидлаш лозимки, пойтахтда бошланадиган йиғинда ва 20 август куни меҳмонда Уммон термаси билан кутилаётган ўртоқлик учрашувида легионерлар иштирок этмайди.

Максим Шацких, Виталий Денисов, Азиз Ибрагимовлар 29 август куни «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтадиган КХДР терма жамоасига қарши назорат ўйинига етиб келадилар.

Шунингдек, «Пахтакор» ҳимоячиси Ислом Иномов 8 август куни «Бунёдкор» билан ўйинда олган кичик жароҳатидан ҳали тўлиқ фориғ бўлмаганлиги сабабли мураббий ҳал ҳилувчи босқичга тайёргарликни усиз бошлашга мажбур бўлди.

«Бунёдкор» ва миллий терма жамоанинг етакчиларидан бири, ярим ҳимоячи Тимур Кападзе ҳам «Тошкент дербиси»да рақиби билан тўқнашиб кетиб, икки ҳафтага сафдан чиққан. Тошкентликларнинг яна бир маҳоратли ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров рўйхатдан жой олмади. «Бунёдкор»нинг барча ўйинларида майдонга тушаётган Жепаровга мураббийлар бироз дам беришган кўринади. Шу билан бирга, Инилеевнинг айтишича, «қалдирғочлар»нинг дарвозабони Павел Бугало ҳам 20 август куни бўладиган ўйинга бормайди. Аммо 29 август куни Тошкентда корейсларга қарши ўтказиладиган ўртоқлик учрашуви олдидан таркиб янада кенгайиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, 2010 йилги жаҳон чемпионатига Ўзбекистон 2-босқичда Бахтиёр Ашуров раҳбарлигидаги Бахрайн терма жамоаси билан учрашади.

УММОНГА ҚАРШИ ЛЕГИОНЕРЛАРСИЗ

Демак, 17 август куни Тошкентда бошланадиган йиғинга жалб этилган футболчилар рўйхати: **дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Темур Жўраев («Пахтакор»); ҳимоячилар — Анвар Ғофуров («Машъал»), Алексей Николаев, Хайрулло Каримов, Бахтиёр Ашурматов, Саҳоб Жўраев («Бунёдкор»), Анзур Исмоилов, Илҳом Суюнов («Пахтакор»); ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов, Элдор Мардеев («Пахтакор»), Азиз Ҳайдаров, Виктор Карпенко, Жасур Ҳасанов («Бунёдкор»); ҳужумчилар — Александр Гейнрих, Зайниддин Тожиев («Пахтакор»), Улуғбек Бақоев («Бунёдкор»), Павел Соломин («Навбаҳор»).**

Навбатдаги йиғинда Ислом Инилеев шогирдлари 6 сентябр куни Дохада майдон эгалари Қатар терма жамоаси билан бошлайди.

ХОУТОН ЗАФАРГА ЭРИШДИ

2011 йилги Осиё чемпионатининг саралаш босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олган Ҳиндистон термаси финалда Тожикистон термасини 4:1 ҳисобида мағлуб этиб, 2008 йилги ОФК чақирув кубоги соҳибига айланди. Айни пайтда ҳиндистонликларга устозлик қилаётган миллий термамизнинг собиқ бош мураббийи Боб Хоутон ўйиндан сўнг шогирдлари жанговар руҳда тўп сурганлигини таъкидлади.

Тожикистон терма жамоаси бош мураббийи Пўлат Қодиров эса биринчи голда яққол ҳакамнинг айби борлигини билдирди:

— Бизнинг дарвозамизга биринчи гол урилаётганда қанот ҳаками ўйиндан ташқари ҳолат бўлганини аниқ кўрсатди, аммо бош ҳакам бироздан кейин қарорини ўзгартирди. Бундан ташқари, бизга Даврон Тўхтасинов каби маҳоратли ўйинчи етишмади. Бундай футболчиларга ўринбосар топиш мушкул.

Таъкидлаш лозимки, 2011 йилги Осиё чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этадиган 20 та терма жамоа 5 гуруҳга бўлинди. Ҳозирданоқ мусобақанинг финал қисмида иштирок этадиган 4 та терманинг номи аниқ. Булар 2007 йилги чемпионатда юқори ўринларни эгаллаган Ироқ (чемпион), Саудия Арабистони (кумуш медал), Жанубий Корея (бронза медали) ва мезбонлар терма жамоаси.

Улар сафига гуруҳ босқичининг якунларига кўра 10 та (ҳар гуруҳдан иккитадан) кучли жамоа қўшилади. Шунингдек, ОФК чақирув кубогининг 2008 ва 2010 йилги ғолиблари ҳам финалчилар сафини тўлдиради.

ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

Абу Али ибн Сино инсониятнинг унутилмас сиймоларидан бири. У яратган асарлар замонавий тиббиётнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётганининг ўзиёқ фикримизнинг далилидир. Унинг «Тиб қонунлари» асарига жамланган қимматли маслаҳатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Зеро, жаннатмонанд ўлкамизда пишиб етилаётган ноз-неъматларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида билиб қўйган яхши.

БОДОМ

Ширин бодом мўътадил, намликка мойил, аччиқ бодом эса иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Аччиқ бодомнинг хоссаси шуки, уни тулки еса ўлади; у озиқ эмас, фақат доридир. Ширин бодом эса озиқлантиради, у яхши озиқдир, аммо кучли эмас. Бодом ёғи бодомнинг ўзига қараганда енгилроқ бўлади.

Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш ва офтобда қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Аччиқ бодом дарахтининг илдизи қайнатиб қўйилганда, сепкилга қарши кучли восита бўлади. Ширин бодом семиртиради. Аччиқ бодом шароб билан бирга ишлатилса, эшакемда яхши фойда қилади.

Бодомни асал билан югурук яралар ва учуққа, сирка ва шароб билан эса темираткига суртадилар. Бу ҳолларнинг ҳаммасида аччиқ бодом жуда яхши таъсир кўрсатади. Шароб ичишдан олдин беш дона аччиқ бодом ейилса, маст бўлишдан сақлайди.

Аччиқ бодом буғдой крахмали билан бирга қўшиб ишлатилганда қон туфлашга, чўзма йўтал, астма, зотилжамга фойда қилади, айниқса, бодом ёғи шундай. Бодом, кўпроқ аччиғи, жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади, агар унинг янгиси пўстлоғи билан ейилса, меъдани намликдан тозалайди. Аччиқ бодом буйрақдаги тиқилмаларни очади, ёғи эса буйрак ва қовуқни тозалайди, гулсапсар илдизи билан қўшиб ичилганда, тошларни майдалайди.

МАЙМУНЖОН

Унинг шохларини барги билан қўшиб қайнатилган сув сочни бўяйди. Барглари қўйиб боғланса, учуқнинг тарқалиб кетишини тўхтатади. Унинг барглари чайналса, милкни маҳкамлайди ва оғиз чақаланишини тузатади; пишган мевалари ҳам шундай. Мева ва баргларининг ширасиси иссиқдан бўлган оғиз оғриғини, барглари бошдаги яраларни тузатади.

Унинг ўзи ва гули ичак яралари ва ич кетишга фойда қилади. Латифлиги туфайли қовуқдаги тошни парчалайди.

ОЛМА

Пишган олма сувли бўлгани сабабли совуқ ва ҳўлдир. Мазали, буруштирувчи ва нордон олмалар совуқ ва ғализдир. Олманинг барги ва сиқиб олинган суви бошланаётган иссиқ шиш ва тошмаларга фойда қилади. Барги ва пўстлоғининг ичидаги пардаси ярани битиради. Буруштирувчи олманинг сиқиб олинган суви ҳам шундай.

Хушбўй, ширин ва нордон олмалар юракни қувватли қилади. Агар иссиқлиги кўп бўлса, манфаати яна ҳам катта бўлади. Хамирнинг ичида пиширилган олма

иштаҳа камлигида фойда қилади. У дизентерия ва гижжаларга қарши самарали воситадир.

ОЛХЎРИ

Елими яраларни битиради; хусусан у билан асал ёки шакар аралашган бўлса, айниқса, болаларда яхши натижа беради. Елими кўзга тортилса, қувватли қилади. Кўкракдаги оғриқларда фойдали. Аччиқ хили «юрак аланга-ланиши»ни босади, сафрони қаттиқ ҳайдайди.

Ширин хили ўзининг ҳўллаш ва совутиш таъсири билан меъдани бўшаштиради, демак унга мувофиқ келмайди. Ҳўли қуруғига қараганда сафрони қаттиқроқ суради. Бунинг асосий сабаби ёпишқоқлик хусусиятидир.

ШАФТОЛИ

Шафтолининг баргидан олинган сув қулоққа томизилса, қуртларни ўлдиради. Унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади.

Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаҳа туғдириш хусусияти бор. Аммо шафтолини овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади, ўзи ҳам бузилади. Қуритилган шафтоли кеч ҳазм бўлади.

Шафтолининг барги киндикка қўйиб боғланса, қориндаги қуртларни ўлдиради, гули ва япроғидан сиқиб олинган суви ичилганда ҳам ҳудди шундай фойда қилади. Пишган шафтоли ични юмшатади, хоми эса қотиради.

ҚОВУН

Терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ҳамда бошнинг кепакланишида фойда қилади.

Пўчоғи манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлаларга жуда яхши тўсқинлик қилади. Уни таомдан сўнг ейиш керак. Чунки қовун бирон нарса кетидан ейилмаса, кўнгилни айнитиб қустиради.

Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдикни ҳайдаш хусусиятига эга. Буйрак ва қовуқдаги майда тошларни жуда яхши ҳайдайди. Қовун меъдада бузилса, заҳарли табиатга эга бўлади. Бунда уни тезда қайт қилиб ташлаш керак бўлади.

ШАХМАТЧИ ҚИЗНИНГ ЮТУҒИ

Боёвут туманида яшовчи Сарвиноз Қурбонбоева эндигина 14 баҳорни қаршилади. У шахматга жуда қизиқади. Кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, тўрт карра Ўзбекистон чемпиони бўлган.



Сарвинозга яқинда яна омад кулиб боқди. У Эрон пойтахти Теҳронда бўлиб ўтган 8-18 ёшли спортчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, юртимизга кумуш медал билан қайтди. Мамлакатимиз терма жамоасининг яна икки аъзоси ҳам шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз шахматчилари Ҳиндистон ва Эрон спортчиларидан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

ЮБИЛЕЙДА КУРАШ БАЙРАМИ

Андижонликлар иқтидорли журналист Назиржон Саидов номини ҳурмат билан тилга олишади. Яқинда у киши 60 йиллик юбилейини нишонлади. Вилоят марказидаги Алишер Навоий боғининг кураш майдонида Назиржон аканинг шогирдлари, мухлислари ва полвонлар жам бўлишди (чунки у вилоят кураш федерациясини ҳам бошқарган).

Камтарлиги, одамийлиги, бағрикенглиги билан халқ орасида обрў қозонган Назиржон Саидов меҳнат фаолиятини «Олтинкўл» газетасида бошлаб, бош муҳаррир, туман ҳокими, вилоят ҳокимининг ўринбосари, «Андижоннома» газетаси бош муҳаррири, вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

— У кишининг энг яхши фазилатларидан бири ҳаммага бир хил муносабатда бўлишидир, — дейди бирлашма бўлим мудири Қодиржон Ризаев. — Касаба уюшма сафларида ҳам Назиржон аканинг моҳир ташкилотчи эканлиги намоён бўлди. Биз у кишидан кўп эзгу ишларни ўргандик. Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз!

Ҳозир Н.Саидов Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлимига раҳбарлик қилмоқда.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган гап бор. Устознинг бахти барчамизга насиб этсин.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

КУЛГУ АРЕНАСИ

— Марафончилардан менга анови қизил шарфлиси ёқди, — деди қиз дугонасига.

— У шарфмас — тил! — деди дугонаси.

Чопағон тезроқ югуриш учун допинг қабул қилди. Лекин олимпиадада буни билиб қолмасликлари учун секин югурди.

Ёши ўтиб қолган икки футболчи ким биринчи бўлиб ҳаётдан ўтса, нариги дунёда футбол бор-йўқлигини маълум қилади, деб келишишибди. Вақти-соати етиб, улардан бири нариги дунёга равона бўлибди-ю, уч кун ўтгач туш орқали алоқага чиқибди:

— Оғайни, сенга яхши ва ёмон хабарим бор.

— Яхшисидан бошла...

— Бу ерда футбол ўйнашар экан.

— Ёмони-чи?

— Келаётган жума финал, сен эса асосий таркибдасан.

Лотин Америка футболида асосийси — гўзаллик, Европада эса асосийси — натижа. Улардан ташқари яна бир кўринишдаги футбол ҳам борки — бунда энг асосийси маглубиятга учрагач, айбни кимгадир тўнкаш.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича вакили Фарида Аҳадовага онаси

ЎРИНБИБИ момонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши Боғот туман касаба уюшма кенгаши раиси

Юсуфбой МАТЯҚУБОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси «Баҳора» болалар оромгоҳи бошлиғи Самад Хўжамовга акаси

ЭГАМБЕРДИ аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси Бухоро вилояти мухбири Иззатилла Ҳожиевга синглиси

Зулфия ҲОЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Davud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-83-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir:
T. Shernayev
Navbatchi:
D. Rahmonova
Musahhih:
N.Yo`ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.00

Буюртма Г — 714

11364 nusxada bosildi

1 2 3 4 5 7 8